

# ОЛИЙ ҲАРБИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ҲАРБИЙ ТАЪЛИМНИ ФАОЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

**Азимжон Махаммадаливич Мажидов**

Ўзбекистон Республикаси Куроли Кучлари Академияси Кўшинлар кундалик фаолиятини бошқариш кафедраси ўқитувчиси, подполковник

## АННОТАЦИЯ

Мақолада ҳарбий мутахассисларни тайёрлаш жараёнининг муҳим омили ҳисобланган ҳарбий таълимни фаоллаштиришда турли ёндашувларнинг ўрни, фаол методлардан фойдаланишнинг йўллари ва ўзига хос хусусиятлари ёритилган.

**Калит сўзлар:** Ҳарбий дидактика, таълимга ёндашувлар, ҳарбий таълим жараёнини жадаллаштириш, репродуктив ва продуктив таълим, фаол таълим.

## ABSTRACT

The article covers the ways and peculiarities of the use of active techniques in the activities of military training, which is considered an important factor in the process of training military specialists thought about the Armed Forces to improve the quality.

**Keywords:** military didaction, the training approach, acceleration military educational process, reproductive and productive training, active training.

## КИРИШ

Ҳарбий таълим жараёнини ташкил этиш, самарали натижаларга эришиш соҳадаги бугунги долзарб масалалардан ҳисобланади. Президентиимиз Куроли Кучлар Олий Бош Қўмондони Ш.М.Мирзиёев 2018 йил 13 январь куни Хавфсизлик кенгашининг кенгайтирилган таркибдаги мажлисидаги нутқида: "...Кўшинлар исталган дақиқада ўз олдига қўйилган вазифаларни бажаришга қодир бўлиши керак. Улар жанговар тайёргарликнинг янги тизими бўйича мунтазам шуғулланиб бориши, барча ҳарбий хизматчилар ҳақиқий профессионал кадр бўлиши учун ўз соҳасини пухта эгаллаши шарт ..." [1], - деб таъкидлади. Бунинг учун эса ҳарбий таълим жараёнини замонавий талаблардан келиб чиқиб ташкиллаштириш лозим. Дарҳақиқат, таълим жараёнини ташкил этишда педагог салоҳияти билан бир қаторда машғулот моддий таъминотини

сифати ҳам муҳим. Педагоглар ва курсантларнинг машғулотга тайёргарлиги, ўзлаштириши, билим, кўникмалар билан қуроллантирилишида замон талабидан келиб чиқиб тайёрланиши ҳам муҳим аҳамият касб этади.

## АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Ўқув фанларининг турлари, машғулот мавзулари, таълим олувчиларнинг билимлари даражаси ва қизиқишлигини инобатга олган ҳолда машғулот ўтиш вақтида педагогик технологияларнинг юқори самара берувчи турларини қўллаш ўқув жараёнини жадаллаштириш, унинг сифатини оширишга ёрдам беради.

Педагогика ўзининг бутун тараққиёти даврида ўқитишнинг янада мукаммалроқ ва янада самаралироқ тизимини излаш билан ривожланиб боради. Мактабда ўқитишнинг паст сифати ва таълимнинг барча бўғинларида мутахассисларнинг паст даражадаги касб тайёргарлиги муаммосини ҳал этишга қодир бўладиган усусларни излаб топишни асосий вазифа қилиб қўяди. Бу муаммонинг ҳал этилиши таълим жараёнинда янги педагогик технологияларнинг кенг қўлланилиши асосида таълим жараёнини жадаллаштиришни тақозо этади.

Харбий дидактика ҳарбий хизматчилар таълимини мураккаб ижтимоий-педагогик жараён сифатида ўрганади ва бу жараённинг қўйидаги асосий функцияларини белгилайди: **таълимий** (ҳарбий хизматчиларни билим, кўникма ва малакалар билан қуроллантириш); **тарбиявий** (ҳарбий хизматчиларда ўз Ватанининг қуролли ҳимоячиси учун зарур шахсий сифатларни тарбиялаш); **ривожлантирувчи** (ҳарбий хизматчи шахсини комил инсон сифатида ривожлантириш, юзага келган турли вазифаларни ҳал қилишга ижодий ёндашиш малакаларини ривожлантириш) ва **руҳий тайёрлаш** (ҳарбий хизматчиларда хизмат вазифаларини бажаришга ва жанговар вазиятда муваффақиятли ҳаракат қилишга руҳий тайёрликни шакллантириш) [2].

Бўлгуси офицерларга таълим бериш жараёнинда курсантлар ҳарбий хизмат фаолиятини муваффақиятли амалга оширишлари учун тегишли билим, кўникма ва малакаларга эга бўладилар. Шу билан бир вақтда уларнинг тафаккури ривожланади, иродаси ва характери чиниқади, маънавий-ахлоқий ва жанговар сифатлари, ҳиссий-иродавий турғунлиги, жанговар холатларда аниқ ва ишончли ҳаракат қилиш учун руҳий тайёргарлиги шаклланади.

Бундай вазифаларни амалга ошириш учун ҳарбий таълим жараёнини ташкил этишга турлича ёндашувлар мавжуд. Уларни асосийларини кўриб чиқиши лозим.

Харбий таълимга давлат ва жамият томонидан қўйиладиган талабларда харбий таълим соҳалари бўйича ўзаро мувофиқлик ва мутаносиблик тўла таъминланади. Шу жиҳатдан харбий таълим стандартини белгилашда таълим жараёнининг таркиби, худди шу таркибий қисмларнинг мазмунини модернизациялаш, замонавий педагогик технологияни қўллаш имкони ҳисобга олинган.

Педагогика фани ва таълим-тарбия амалиётида турли ёндашувлар қўлланилади. Йиллар давомида қўлланиб келинаётган анъанавий ёндашув билан бир қаторда ҳозирги қунда таълимга замонавий ёндашувга алоҳида эътибор берилмоқда. Таълимга тизимли, технологик, тадқиқий, функционал, комплекс, фаолиятли ёндашувлар замонавий ёндашувга мисол бўла олади.

**Анъанавий ёндашув.** Унинг асосий хусусияти, ўқитувчи маълум ахборотни гапириб беради, тушунтиради, таълим оловчи курсантлар эса бу билимни хотирасида сақлайди. “Билим” тушунчаси хотирада сақланадиган ахборот маъносида тушунилади. Таълим оловчида билим бор-йўқлиги имтиҳонда шу ахборотга доир берилган саволга ёддан берган жавобига қараб аниқланади. Бунда билим дегани асосан эсда қолдиришнинг натижасидир, у кўпинча юзаки бўлиши ҳам мумкин. Бундай билим хотирада узоқ сақланмайди. Таълим оловчи савол берилганда эслали, баъзан эслай олмаслиги ҳам мумкин.

Анъанавий таълим мамлакатимиз ўкув юртларида кенг тарқалган, унинг турли жиҳатлари фанда ишлаб чиқилган, катта тажриба тўпланган. Анъанавий таълим усулини такомиллаштириш соҳасида изланишлар давом этмоқда, лекин унинг объектив имкониятлари чекланган. Давлатимизда амалга оширилаётган таълим соҳасидаги ислоҳотлар, тез суръатлар билан ривожланаётган фантехника талаблари – таълим усули билан жамиятнинг рақобатбардош, юқори малакали кадрлар тайёрлашга, баркамол авлодни шакллантиришга бўлган эҳтиёжи ўртасида номутаносибликни вужудга келтирди. Уни таълимда бошқа янги ёндашувларни қўллаш йўли билан ҳал этиш лозим.

**Тизимли ёндашув.** Тизимли ёндашув илмий билиш методологияси ва педагогик амалиётнинг бир йўналиши сифатида универсал тавсифга эга бўлиб, педагогикада кенг қўлланилади. Таълим-тарбияга ҳам педагогик тизим сифатида қараш лозим.

«Тизимли ёндашув» тушунчаси кўпинча «тизимли метод», «тизимли таҳлил усули» тушунчалари билан узвий боғлик ҳолда қўлланилади. Бундай тизимли таҳлил усуллари ҳам объектни яхлит тизим сифатида ўрганишни назарда тутади. Тизимли ёндашув, айниқса, тузилиши ва бажариладиган вазифасига кўра таҳлилга жуда яқин. Тизимли таҳлилнинг обьекти яхлит нарса ёки ҳодиса ҳисобланади. У, биринчидан, обьектнинг турли қисмларини; иккинчидан, қисмларнинг ўзаро боғлиқлигини; учинчидан, тизимнинг

чегараларини ва тўртингидан, тизимнинг атроф-муҳит билан боғлиқлиги, алоқадорлигини назарда тутади.

**Технологик ёндашув.** Саноат ишлаб чиқариши соҳасида юзлаб технологик лойиҳалар (жараёнлар) яратилган. Улар, агар техник ҳужжат талабларига амал қилинса, ишни ким ва қаерда бажарганидан қатъий назар, маҳсулот сифати ва натижаси кафолатланади.

Таълим ишига технологик ёндашув эса:

- ўқиш-ўқитиши жараёнини ўзаро узвий боғлиқ босқичлар, фазалар, амалларга ажратиш, бўлишни;

- таълимдан мўлжалланган натижага эришиш учун бажариладиган ҳаракатларни мувофиқлаштиришни, кетма-кет, босқичма-босқич амалга оширишни;

- лойиҳалаштирилган ишлар, амалларнинг барчасини бирдек бажаришни назарда тутади.

Бу ёндашув асосан, репродуктив таълимга хосдир. Репродуктив таълим типик вазиятларда бирор иш-ҳаракатни олдиндан белгилаб олинган қоидалар асосида бажаришдир.

Репродуктив даражаси учун педагогик технология усулида таълим – такор ишлаб чиқиладиган конвейерли жараён сифатида ташкил этилади, ундан кутиладиган натижа ҳам муфассал тасвирланиб, аниқ қайд этилади. Ўқув материали аниқ ифодаланган ўқув мақсадига мос қайта тузиб, ишлаб чиқилади, айрим бўлак (қисм, модул) ларга ажратилади, ўқув материалини ўргатишнинг муқобил йўллари назарда тутилади, ҳар бир бўлакни ўрганиш натижаси назорат этилиб, хато, камчиликлар тузатилиб, тўғрилаб борилади. Ўқув иши эталонда кўрсатилган натижага эришишни назарда тутади. Бу таълим олувчиларни қизиқтириш, мусобақа ва ўзаро ёрдамлашишни инкор этмайди. Таълим репродуктив ҳарактерда олиб борилгани учун ҳам бу усул билим, кўнишка ва малакаларнинг зарур минумини эгаллашда кўпроқ самара беради.

**Тадқиқий-ижодий ёндашув.** Бундай ёндашув таълимнинг мақсадидан келиб чиқиб таълим олувчидаги бирор муаммони ечиш қобилиятини ўстириш, янги билим (тажриба)ни мустақил ўзлаштириш, ҳаракатнинг янги усулларини топиш, шахсан ташаббус кўзда тутади.

Тадқиқий ёндашув фаолиятнинг ижодий, актив характери билан боғлиқ.

Бу ёндашувда таълим олувчининг ўқув-билиш фаолиятига педагог рағбатлантирувчи усулда раҳбарлик қиласи, унинг шахсий ташаббусини

қўллаб-қувватлайди, у билан ҳамкорлик қиласди, фикр ва қизиқишларини олдинги ўринга қўяди. Тадқиқий ёндашув бўйича ҳам педагогик технология варианлари ишлаб чиқилган.

Таълим жараёнини такоммиллаштириш, бугунги кун талабларига жавоб берадиган даражага етказиш учун нафақат ёндашувни ўзгартириш, замонавий таълим методларидан фойдаланиб тингловчи (курсант)ларни фаоллаштириш муҳим масала бўлиб турибди.

Т.Г. Кирлановнинг фикрича, дидактикада таълим методлари тингловчиларни фаоллаштириш даражаси ёки ўқув-билиш фаолияти характерига қараб қуидагича таснифланади:

- маълумот манбалари бўйича (вербал, кўргазмали, амалий методлар);
- мантиқ усуллари бўйича (таҳлилий-синтетик, индуктив, дедуктив методлар);
- ўқитиши шакли бўйича (кўргазмали тушунтириш, муаммоли-ривожлантирувчи методлар);
- таълим олувчиларнинг билиш мустақиллiği бўйича (репродуктив, продуктив, эвристик методлар);
- муаммолилик даражаси бўйича (кўргазмали, монологик, диалогик, эвристик, тадқиқий, алгоритмик, дастурлаштирилган методлар);
- дидактик мақсади ва функциялари бўйича (рағбатлантириш, ташкилий ва назорат методлари);
- ўқитувчининг фаолияти бўйича (баён қилиш, мустақил ўқув фаолиятини ташкил қилиш методлари) ва ҳоказо.

Фаол таълим методлари ўқув жараёнининг турли босқичларида қўлланилиши мумкин:

1-босқич – билимларни бирламчи эгаллаш. Бу муаммоли маъруза, эвристик сухбат, ўқув дискуссияси в ҳ.к.

2-босқич – билимларни назорат қилиш (мустаҳкамлаш), шунингдек, жамоавий фикрлаш фаолияти, тест ва ҳ.к.

3-босқич – билимлар ва ижодий қобилиятларини ривожлантириш, таълимнинг моделлаштирилган, ўйинли ва ўйинсиз методлари асосида касбий малакалар ва кўникмаларни шакллантириш.

Ўқитиши методларининг ҳар қандай таснифи ўқитувчи учун аниқ дидактик вазифаларнинг ҳал қилиниши даражасига кўра мақсадга мувофиқ танлангандагина амалий мазмун касб этади [2].

Бундай омиллар олий ҳарбий таълим муассасаларида ҳарбий мутахассисларни тайёрлашга қаратилган таълим жараёнини янгила ёндашув. Янгила тафаккур, инновацион педагогик технологияларнинг кенг қўлланилиши асосида таълим жараёнини жадаллаштиришни тақозо этади.

## МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Хозирги давр ёшларининг фикрлаш қобилияти бир неча ўн йиллар олдинги тенгдошларига қараганда анча юқори, зеҳни ўткир, юзага келган вазиятларга тезроқ мослашади. Шу сабабли таълим-тарбия жараёнига эскича, анъанавий ёндашув бугунда ўзини оқламайди.

Хозирга вақтда ҳарбий таълим муассасаларига қўйиладиган энг муҳим талаб ва илмий-техникавий, ижтимоий тараққиётнинг қатъий шарти – кенг дунёқарашли, эгилувчан тафаккурга эга, ностандарт фикр юритувчи, тезкор қарор қабул қилишга қодир, ҳарбий-касбий компетенцияларни мустаҳкам эгаллаган, ижодий фаолият юрита оладиган креатив ҳарбий мутахассисни шакллантиришдан иборат. Ижодий фаолият асосий турларининг таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, унинг мунтазам равишда амалга оширилиши инсонда ўзгарувчан шароитларда ўзини йўқотмаслик, муаммони аниқ қўра олиш ва унинг янгилигидан қўрқмаслик, фикр юритишнинг янгилиги ва унумлилиги, ихтирочилик, сезгирлик каби сифатлар шаклланади. Бундай сифатларга ҳозир талаб катта, кейинчалик эса эҳтиёж бундан ҳам ошиб боради. Шу мақсадда замонавий ўқув жараёнида таълимнинг анъанавий, яъни репродуктив усулидан продуктив (маҳсулдор), қидиув-ижодий усулларига ўтиш муҳим. Продуктив таълим қуидаги афзалликларга эга [3]:

- мантиқий фикр юритиш муаммоларни илмий, ижодий ечишга ўргатади;
- зарур билимларни мустақил ижодий қидиришга ўргатади;
- учраган қийинчиликларни енгишга ўргатади;
- ўқув материалини исботлироқ қиласди;
- ўқув материали ўзлаштирилишини чуқурроқ ва мустаҳкамроқ қиласди;
- билимларнинг ишончга айланишига кўмаклашади;
- ўқишига нисбатан ижобий ҳисларни ҳосил қиласди;
- билишга қизиқишини шакллантиради ва ривожлантиради;
- ижодий шахсни шакллантиради.

Олий ҳарбий таълимда ҳануз тушунтириш-кўргазмали ёндашиш анъанавийдир ва асосан ўқитувчи томонидан маълумотларни бериш, тингловчи (курсант) хотирасида олинган билимларни жамғариш ва мустаҳкамлашдан иборат бўлган ёндашувни кузатиш мумкин. Бу маълумотларнинг, билимларнинг мавжудлиги эса (яқуний назорат ва имтиҳонлар пайтида) тингловчи (курсант) уларни тиклай олиши, яъни бу билимларга мурожаат

қилиб берилган саволга ҳеч қандай қўлланмалар ёрдамисиз жавоб бериши орқали баҳоланади.

Юқорида келтирилган тавсифдаги мутахассисни тайёрлаш учун асосий вазифалардан бири таълим жараёнини жадаллаштиришдан иборат.

Таълим жараёнини жадаллаштириш жуда кенг қамровли вазифа бўлиб, у нафақат педагогдан янги таълим технологияларни қўллашни талаб қиласди, балки ўқитишни мотивлаштириш ва фаоллаштиришни ҳам кўзда тутади.

Психологик-педагогик адабиётларда “мотивлаштириш” тушунчаси жараённи англатади. Унинг натижасида бирор фаолият индивид учун маълум даражада шахсий маънога эга бўлади, қизиқишилари конкретлашади ва фаолиятнинг ташқаридан белгиланган мақсадлари шахснинг ички эҳтиёжларига айланади. Яъни, шахсда бирор фаолият учун эҳтиёж, ундаш, ҳавас, мойиллик, интилиш каби қизиқтирувчи омиллар пайдо бўлади.

Анъанавий педагогикада ўқиш мотивларига жуда кам эътибор берилган. Лекин, ривожланган мамлакатларда ўқиш мотивларининг кенг миқёсдаги назарияси яратилганки, бу назарияларда педагоглар учун аниқ тавсиялар ҳам келтирилган.

Фаоллик таркиби қуйидаги ташкил этувчилардан иборат:

- ўқув топшириқларини бажаришга тайёрлик;
- мустақил фаолиятга интилиш;
- топшириқларни онгли равишда бажариш;
- ўзининг шахсий салоҳиятини кўтаришга интилиш ва ҳ.к.

Педагогик амалиётда фаоллаштиришнинг турли йўлларидан фойдаланилади: ўқитиш шакли, методлари ва воситаларининг турли-туман бўлиши, улар рўй берадиган вазиятларда тингловчиларнинг мустақил фаолиятини таъминлайдиган бирлигини танлаш фаоллаштиришнинг асосий йўлларидан ҳисобланади.

Тингловчиларнинг қуйидаги вазиятлардаги фаолияти машғулотларда уларнинг фаоллигини оширишда энг юқори самара беради:

- ўртоқлари ва ўқитувчиларига саволлар бериш;
- муҳокама ва мунозараларда иштирок этиш;
- ўз фикрини ҳимоя қилиш;
- ўртоқларининг жавобларини тақризлаш;
- ўртоқларининг оғзаки ва ёзма жавобларини баҳолаш;
- ўзлаштириши паст бўлган курсантларга ёрдам кўрсатиш;
- ўзининг кучи етадиган топшириқни ўзи танлаши;
- билишга оид топшириқ (муаммо)нинг бир неча варианти жавобини топиш;
- маълум бўлган бир неча усулларни биргаликда қўллаб масала ечиш;

- ўз-ўзини текшириш, шахсий билим ва амалий фаолиятини ўзи текшириш вазиятларини яратиш.

## **ХУЛОСА**

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш лозимки, мустақил ўқишининг янги технологиялари, энг аввало тингловчилар фаоллигини оширишга қаратилгандир. Зоро, шахсий интилиш, зўриқиши билан топилган ҳақиқат билиш жираёнида жуда катта аҳамиятга эга бўлади.

## **REFERENCES**

1. Мирзиёев Ш.М. Қуролли Кучларимиз – мамлакатимиз барқарорлиги ва тараққиётининг мустаҳкам қафолатидир / Ўзбекистон Республикаси хавфсизлик кенгашининг кенгайтирилган таркибдаги йиғилишдаги нутқи // Ватанпарвар, 2018 йил, 13 январь.
2. Кирланов Т.Г. Классификация методов активного обучения применительно к высшей школе / Молодой учёный. №5 (15), 2015. С.337-339
3. Сатиб-Алдиев А.А. Таълимнинг фаол шакл ва методлари. // Методик тавсиялар: – Тошкент ОУҚБЮ, 2007. – 45 б.